**Посол Словацкой Республики посетил Узгидромет**

Сегодня в Узгидромете состоялась встреча с Послом Словацкой Республики г-ном Яном Бори. Цель визита Словацкого дипломата – обсуждение актуальных вопросов двустороннего сотрудничества и возможности установки памятной таблички в Узгидромете в честь визита словацкого ученого-астронома, политика, дипломата, генерала Милана РастиславаШтефаника на метеорологическую станцию Ташкент-обсерватория в 1907 году.

Г-н Ян Бори рассказал участникам встречи о приоритетных направлениях экономического и культурного сотрудничества между нашими странами, ознакомил с жизнью и деятельностью видного научного и военного деятеля Милана РастиславаШтефаника. Г-н Посол отметил, что вТуркестан Милан Растислав Штефаник прибыл вместе с французской экспедицией, которая должна была наблюдать затмение Солнца 13 января 1907 года.

На родине в честь ученого-астронома, политика, дипломата, генерала в 1994 году учреждена государственная награда Словакии - Крест Милана РастиславаШтефаника.Также в его честь названа обсерватория в Праге - Обсерватория Штефаника и Мост Штефаника. В БратиславеименемШтефаниканазванаэропорт.

В ходе беседы первый заместитель генерального директора Б.Нишонов рассказал об истории метеорологических наблюдений в Узбекистане, в частности станции Ташкент-обсерватория, подчеркнув важность данных наблюдений собранных за весь период существования станции, о сотрудничестве Узгидромета со словацкой стороной в плане оснащения наблюдательной сети современным оборудованием в рамках выполнения проекта Всемирного Банка. На встрече были затронуты перспективы научного сотрудничества в сфере гидрометеорологии изменения климата.

По итогам встречи Посол Словацкой Республики Ян Бори выразил удовлетворение положительным решением вопроса о возможности установки памятной таблички.

**Словакия Республикаси Элчисининг Ўзгидрометга ташрифи**

Бугун Ўзгидрометда Словакия Республикаси Элчиси жаноб Ян Бори билан учрашув бўлиб ўтди. Ташрифдан мақсад – икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб муаммолари ҳамда Ўзгидрометда словак астроном олими, сиёсатчи, диломат, генерал Милан Растислав Штефаникнинг 1907 йилда Тошкент-обсерватория метеорологик станциясига ташрифи шарафига хотира тахтачасини ўрнатиш имкониятини муҳокама қилишдан иборат бўлди.

Жаноб Ян Бори учрашув иштирокчиларига мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари тўғрисида гапириб берди, Словакиянинг таниқли фан ва ҳарбий арбоби Милан Растислав Штефаникнинг ҳаёти ва фаолияти билан таништирди. Жаноб Элчи Милан Растислав Штефаник Туркистонга 1907 йил 13 январда Қуёш тутилишини кузатиш учун француз экспедицияси билан бирга келганини айтди.

Астроном олим, сиёсатчи, диломат, генералнинг ватанида унинг шарафига 1994 йилда Словакиянинг давлат мукофоти - Милан Растислав Штефаник хочи таъсис этилган. Шунингдек Прагадаги Обсерваторияга Штефаник номи берилган. Братиславадаги аэропорт ҳам Штефаник номини олган.

Учрашув давомида Ўзгидромет бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Нишонов Ўзбекистонда метеорологик кузатувлар тарихи, хусусан Тошкент-обсерватория станцияси тарихи тўғрисида маълумот берди, бунда мана салкам 150 йил давомида тўпланган станцияда ўтказилган кузатувлар маълумотларининг нечоғли муҳимлигини таъкидлади. Ўзгидрометнинг Жаҳон банки лойиҳасини амалга ошириш доирасида словак томони билан кузатув тармоғини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасидаги ҳамкорлиги масалалари, гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасидаги илмий ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Словакия Республикаси Элчиси жаноб Ян Бори хотира тахтачасини ўрнатиш имконияти тўғрисидаги масала ижобий ҳал бўланига қониқиш билдирди.









